
Данғара туман суди томонидан Данғара тумани Маданият уий биносида фуқаролар билан очиқ мuloқот ва сайёр суд мажлислари ўтказилди.

Данғара туман суди томонидан Данғара тумани Маданият уий биносида фуқаролар билан очиқ мuloқот ва сайёр суд мажлислари ўтказилди.

Очиқ мuloқот давомида жиноят ишлари бўйича Данғара туман судининг раиси М.Абдубаннабов томонидан қатнашчиларга Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 сентябрдаги “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлиигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ 869-сонли қонунининг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтиришлар берилди.

Хусусан, мазкур қонун билан амалдаги Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида сўз юритилди.

Шундан сўнг, жиноят ишлари бўйича Данғара туман суди томонидан вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш хуқуқбузарлигини содир қилган 3 нафар хуқуқбузарларга оид ишлар кўриб чиқилиб, 2 нафар шахсга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси тайинланиб, 1 нафар шахсга алимент қарздорлигини тўлаш учун муддат берилди.

Шу билан бирга, сайёр суд давомида транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастилиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаш хуқуқбузарлигини содир қилган 4 нафар шахсга оид маъмурий ишлар кўрилиб, хуқуқбузарларга нисбатан қонунда белгиланган транспорт воситасини бошқариш хуқуқидан маҳрум қилиш ва жарима жазолари тайинланди.

Суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган ва Данғара туман ИИБ Пробация гурухининг ҳисобида турган маҳкумларга оид ишлар кўриб чиқилиб, жазони ўташ давомида меҳнатга ҳалол муносабатда бўлгани, жазони ўташ тартиб-коидаларига риоя қилгани, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланган 10 нафар маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди.



2023-10-27 13:29:02